

Multidisciplinary scientific online journal

ISSN: 2181-2330



IJODKOR
O'QITUVCHI

ТВОРЧЕСКИЙ
УЧИТЕЛЬ

CREATIVE
TEACHER





«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

IJODKOR O'QITUVCHI
ILMIY-USLUBIY JURNAL

MATERIALLARI TO'PLAMI

5-MAY, 2022-YIL

18-SON



INDEX  COPERNICUS
INTERNATIONAL



Ushbu to'plamda "Ijodkor o'qituvchi" ilmiy-uslubiy jurnaliga kelib tushgan tezis va maqolalar o'rin olgan.

Mazkur jurnalda zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta'limni rivojlantirishda yo'nalishlar bo'yicha kreativ g'oyalar, takliflar va yechimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur jurnal materiallaridan OTM professor-o'qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktab o'qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to'plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma'lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to'g'riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

ФИТРАТНИНГ “ҚИЁМАТ” ҲИКОЯСИДА НОРЕАЛ ДУНЁ ТАСВИРИ

Н.Р. Қурбонова

БухДУ Инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳид адабиёти намојандаси А. Фитратнинг зоҳиран атеистик мазмунга эга асари таҳлилга тортилган бўлиб, унда ҳикояда тасвирланган боқий олам манзараси, тимсоллар, воқеалар жараёни, замон ҳамда маконни ҳам исломий қарашларга, ҳам автор қарашларига асосланиб яратилганлигини кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар : боқий олам, жаннат, қиёмат куни, хронотоп, бадиий матн.

Биз яшаб турган ва биз билмайдиган оламлар масаласи инсонни жуда қадим-қадимдан қизиқтириб келган. Ибтидоий одам биз яшаб турган олам бизга маълум бўлмаган оламларда яшовчи илоҳий куч ёки кучлар томонидан бошқарилишига ишонган. Илм-фаннинг кейинги тараққиёти эса бошқа ўлчамли оламлар борлигини илмий исбот этди.

Миллий адабиётимизда боқий олам манзарасини, ундаги тимсолларни, предметларни, воқеалар жараёнини, замон ҳамда маконни ҳам исломий қарашларга, ҳам ўз фантазиясига асосланиб яратиш орқасида буларнинг барини бир бутун тизим кўринишига келтирган иждоқор Абдурауф Фитратдир. Унинг боқий дунё аке этган асарларида образлар хронотоп қонуниятларига мувофиқ “ҳаракатланади”, воқеаларнинг ўз-ўзидан ривожланиб боровчи изчил ҳодиса тусига киришини таъминлайди. Албатта, бундай “ҳаракат”, бундай жараён чуқур мантиққа асосланган ҳолда Абдурауф Фитрат ижодини ноёб феномен даражасига кўтарган ижтимоий-бадиий ғоялар ифодасига хизмат қилади. Сюжет, образлар, макон ва замон иждоқор томонидан онгли равишда танланган. Адибнинг шу мавзу-мазмундаги “Қиёмат” ҳикояси, “Шайтоннинг Тангрига исёни” пьесаси ҳамда пореал дунё манзараси қисман аке этган “Абулфайзхон” трагедиясида абадиёт дунёсига хос деталлар, қахрамонлар, жойлар, объектлар биринчи галда рамзий ғояни ташувчи воситалар сифатида кўзга ташланади.

“Қиёмат” ҳикоясида кўкнори, сағана, қафач, каппоп, мезоп тарозиси, дафтарча (паспорт), қўйлар, “Қил кўприк”, ёқутдан қурилган чоғроққина уй, сут, сув, бол ва чоғар оқадиган ариқлар, охират майи, Почамирнинг кўзига кўкнор бўлиб кўринган буга сингари деталлар; “очират” (навбат), қурбонлик, қиёмат қойим каби жараёнлар; Мункар-Накир, малаклар, яланғоч одамлар, хизматчи қиз ва йигитчалар кўринишидаги хуру филмонлар каби образлар; Қиёмат чўли, “Кавсар ҳовуз”, Жаннат шаҳри (ёки боғи) каби маконий ва охирзамон каби замоний тушунчаларнинг бари асосий ғоя ва сюжетга тўла бўйсундирилган. Абдурауф Фитрат барча динларда ниҳоятда муҳим кун - бутун инсониятнинг бу дунёдаги амаллари ҳисоб-китоб

қилиниб, абадий ажр бериладиган мана шу кун воқеаларини қаламга оладики, бу иждокордан катта билим ва масъулият, журъат талаб қилиши ўз-ўзидан маълум.

Кўкнори – ҳикоя сюжетини ҳаракатга келтирувчи бош омил. Сюжетга кўра, ўша захри котилнинг йўқлиги сабаб Почамир лақабли банги Рўзиқул ўлиб қолади. Қазо арафасида, “*қаттиқ иситманинг телба талвасалари орасида*”⁴³ ўша одам хумори тутиб, ўзи учун “оби ҳаёт” бўлган бундай дорини кўмсайверади. Ҳатто ўлимига ҳам рози ва тайёр. У ўн беш кунлик кўрпа-тўшак орасида “*Бир ўлиб қолсанг... У дунёда наша бормикин?!*” дея беихтиёр шивирлайди. Табиийки, муаллиф наркоманиянинг, бундай мудҳиш иллатга ружуъ кўйган одамларнинг, хусусан, ўтган аср бошларида оммавий кўкнориликка муккасидан кетган юртдошларининг фожиасини акс эттирган, албатта. Аммо адибнинг мақсади XX асрбоши фожиасини қизиқарли фабула орқали чизиб кўрсатишигина эмас. “Қиёмат” тушнинг бошланишидан, тушда кечган бутун кўргиликлардан ҳамда тушнинг туйқус узилиб қолишидан иборат экан, наша фоний ва боқий дунёни бир-бирига боғлаб, сюжетнинг асосий ҳаракатга келтирувчиси сифатида майдонга чиқади.

Таъкидлаш жоизки, “Қиёмат”да Фитрат тасвирлаган жаннатнинг хабари илоҳий китобларда келган асл жаннат билан ҳеч бир алоқаси йўқ; жаннат – асарда нафақат шунчаки, балки айнан чалғитиш учун, жон сақлаш савқи табиийси ила атайин танланган рамз-воситадир. Бинобарин, Почамир у ёққа боргандан кейин кўнимини тополмай, зерикиб кетади, атрофидаги сохта гўзалликлар тезда жонига тегади. “Қуббати исломи дин аст” дея таърифланган оламшумул Бухорода вояга етган, шу ерда мадраса таълимини олган, “Мухтасар ислом тарихи” каби муҳташам асарни ёзган, “Рохбари нажот”да исломни инсониятни ҳалокатдан қутқарувчи ягона йўл сифатида тақдим этган Фитрат диний тушунчаларга бу қадар бепарво, янаям аниқроғи масҳараомиз ёндашиши асло ва асло мумкин эмас. Бадиий матннинг мана шундай ўта мураккаб табиатини тушунмаган ёки атай назарга илмайдиган тадқиқотчи ёхуд иждокорлар орасида Фитратни даҳрийтабиат деб талкин қилувчилар, минг афсуски, ҳалиям учраб туради.

Яна бир неча детални кўздан кечирсак.

Қиёмат қойим – охирзамон, маҳшар. Дунё динларида Ердаги ҳаётнинг тугаши билан боғлиқ тушунча. Исломий карашларга кўра, қиёмат пайтида қават-қават осмонлар ва юлдузлар йиғиштириб олинади, тоғлар юнгдай енгил тортиб капалакдек учиб кетади, ўликлар тирилиб, ўрнидан туради, сўроқ қилинади, гуноҳ ва савоблари ўлчаниб, жаннат ёки дўзахга жўнатилади. И.Ғаниев, Р.Ибрагимовларнинг “Чингиз Айтматов ва XXI аср” монографиясида мазкур исломий тушунча ҳақида шундай дейилган: “*Кундалик сўзлашувда “Қиёмат қилди”, “Қиёмат қойим бўлди-да!” ёки “Қиёмат одам келди”, “Офтоб қиёмга келди” каби ибораларга кўп дуч келамиз. Бу муайян воқеа-ҳодисанинг айни бир вақтда қутилганидан ҳам кўра кўпроқ, авжлироқ тус олганидан дарак беради. Аслида “қиёмат” сўзи арабча “қиямун” масдари*

⁴³ Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 169-179-бетлар (“Қиёмат” ҳикоясидан келтирилган барча парчалар шу манбадан олинди.)

айнан қайси йилларда бошидан кечиргани аниқ айтилмайди. Кичик бир ишорага кўра ўша воқелар Октябрь тўнтаришидан у қадар кўп вақт ўтмай рўй беради. Буни асар қаҳрамонининг “Сўнг замонда бизнинг Туркистонда...” деган жумласи тасдиқлайди.

Ҳикояда, юкорида ҳам таъкидланганидек, охирзамон воқеаси асосан бадий шартлиликка хизмат қилади. Яъни муаллифнинг мақсади нореал дунё рамзи орқали ўзи яшаб турган тарихий муҳит ҳақиқатларини очишдир. Акс ҳолда “Қиёмат” бадий асар сифатидаги мазмун-моҳиятидан маҳрум бўлган бўлурди.

“Қиёмат” ҳақидаги мулоҳазаларимизни яқунлашдан аввал “Ўзбек миллий энциклопедияси”да айтиб ўтилган қуйидаги фикрга диққатни қаратсак: “1930 йилда қайта ишлаган “Қиёмат” хаёлий ҳикояси ҳозирги ўзбек адабиётида фантастиканинг туғилиши ва шаклланишида миллий манба бўлиб хизмат этди”.⁴⁶

Шўро йилларида Фитрат ва унинг сафдошлари бўлмиш жаид маърифатпарвар иждоқорлари асарларига қаттиқ тақиқ қўйилган эди. Шу қараш инерцияси таъсири остида улар ижоди тўла-тўкис ҳолда китобхонларга етказилмади, айрим асарлари нашр қилинди. Баъзан эса маълум ўринлар қисқартирилди. Абдурауф Фитратнинг ҳам зоҳиран атеистик мазмунга эга бўлган икки асари – таҳлил қилинган ҳикоя ва “Шайтоннинг Тангрига исёни” пьесалари чоп этилди. Демак, “Қиёмат”нинг ўзбек фантастикаси шаклланишида муайян аҳамият касб этгани шунчаки гап эмас, балки фактлар билан асосланадиган хулосадир. Айни пайтда бу асар ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридан бири сифатида умуман миллий проза тараққиётида муҳим роль ўйнаган, дейиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 169-179-бетлар (“Қиёмат” ҳикоясидан келтирилган барча парчалар шу манбадан олинди.)
2. Ғаниев И., Ибрагимов Р. Чингиз Айтматов ва ХХI аср. – Т., “Академнашр”, 2013 й. – 276 бет.
3. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи – Алоуддин Мансур. – Т.: “Шарк”, 2001. (Қуръондан келтирилган парчалар шу манбадан олинган)
4. Ўзбек миллий энциклопедияси. – Т.: 2004.

⁴⁶ Ўзбек миллий энциклопедияси. – Т.: 2004.